

# Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг кайфияти (17-дарс)

05:00 / 09.01.2017 4129

## 28-Матн:

**У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам дуо қилсалар (кўрсатгич) бармоқлари билан ишора қилар ва уни ҳаракатлантирмас эдилар.**

## 28-Матннинг далиллари:

هُكُّرْحِيَالَوَاعَدَاذِلْوَعْبُصُأَبُرِيَشُيَنَآكَسِبَّنَلْأَنَزِيَبُزَلْأَنَبَلَلْأَدْبَعَنَع-١

1. Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дуо қилсалар (кўрсатгич) бармоқлари билан ишора қилар ва уни ҳаракатлантирмас эдилар”. Насайи ривояти, 1/187. Буни Абу Довуд ҳам чиқарган, 1/375.

Бу ҳадис ишорада бармоқни ҳаракатлантиришдан қайтаради. Чунки у беҳуда иш бўлиб, намозда беҳуда иш қилиш макруҳдир.

→Аммо Имом Насайининг ривоятида Воил ибн Хужр розияллоҳу анҳу жумладан: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қандай намоз ўқишларини кўрай деб Мадинага бордим. У зотга назар солдим”, деб ҳолатни сифатлайди ва ҳадиснинг давомида қуйидаги сўзлари ҳам зикр қилади: “Сўнг бармоқларидан иккисини (чимчалоқ ва номсиз бармоқларини) йиғиб, (бошбармоқ ва ўрта бармоқларини) халқа қилдилар. Кейин (кўрсатгич) бармоқларини кўтардилар, уни ҳаракатлантираётганларини ва у билан дуо қилаётганларини кўрдим”.

Бу ҳадисдаги “уни ҳаракатлантираётганларини” жумласини “уни кўтараётганларини”, дея тушуниш лозим. Чунки бармоқни кўтариш уни ҳаракатлантириш демакдир.

Ибн Ҳажар ишорада бармоқни ҳаракатлантириш хабарини заиф деган. Ҳадисларни солиштириб чиқилганда бармоқни ҳаракатлантирмаслик борасидаги ҳадислар, ҳаракатлантириш тўғрисидаги ҳадислардан икки важҳга кўра кучлироқ ҳисобланади:

Биринчидан: Имом Нававий айтади: “Ибн Зубайр розияллоху анху ҳадисининг санади саҳиҳдир. Аммо Воил ибн Хужр розияллоху анхунинг ҳадиси борасида ҳеч нарса дейилмаган”.

Иккинчидан: Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг бармоқларини доим қимирлатмаганларини ҳикоя қилиб: “Набий соллаллоху алайҳи васаллам дуо қилсалар (кўрсатгич) бармоқлари билан ишора қилар ва уни ҳаракатлантирмас эдилар”, деган. Бу лафз Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг аксар ҳолатларда бармоқларини қимирлатмаганларига далолат қилади. Аммо Воил ибн Хужр розияллоху анху бармоқни ҳаракатлантириш ҳадисини битта намозни кўриб ривоят қилмоқда. Бу ҳаракат эса бир мақсад асосида бўлмаганига ҳамл қилинади. Валлоху Аълам..

Ушбу ишора **“Лаа илааҳа иллаллооҳу”** калимасини айтиш чоғида амалга оширилади. Бу калима нафий ва исботни ўз ичига олган бўлиб, ишора ҳам шу иккисини ўз ичига олиш керак. Яъни **“Лаа илааҳа”** да кўрсатгич бармоқни кўтариб, **“Иллаллооҳу”** да уни тушириш лозим. Шунда кўтариш нафий учун, тушириш эса исбот учун бўлиб, ишора ҳар иккисини ўз ичига олади. Агар бунинг зидди бўлса, яъни **“Иллаллооҳу”** да бармоқни кўтарса ишора нафий ва исботни ўз ичига олган бўлмайди.

(Одамлар буни ўрнига келтира олишмайди, шунинг учун уни тарк қилган афзал, дейиш илмий асосдан йироқ бўлган гапдир. Чунки инсонлар бундан кўра қийинроқ ишларни ҳам ўзлаштириб амалга ошира олишади. Бу каби асоссиз гаплар билан кишиларни суннатни тарк қилишга чақирмаслик лозим. Яна айримлар: “Агар ривоятларда амалнинг кўриниши маълум ададдан кўпайиб кетса, ўша амални қилмаган афзал, ишораи саббобанинг ҳам тури кўпайиб кетган, шунинг учун уни қилмаган афзал”. дейишади. Бунинг ҳам илмий асосини топа олмадик. Балки ривоятларда бир амал турли суратда келган бўлса, ўша ривоятларнинг саҳиҳроғи олиниши, қолганлари эса таъвил қилиниши машҳур қоидадир. Шунинг учун асоси йўқ гапларга эътибор қилинмайди. Валлоху Аълам. Тарж...)

## **29-Матн:**

**Назарлари ҳам ишораларидан ўтиб кетмасди.**

## **29-Матннинг далиллари:**

هَدِي عَضْوَمَلَسَوُهَيَلَعُجَلَلِ لِيَصَّيْبِنَالِنَأ : امهَنْعُجَلَلِ يَضَرَرِي بَزَلِا نَبَا نَعَو-۱  
وَبَأْهَأَوْر " هَتَرَأَشِإِ هَرَصَب زَوَاجِي الْو ، هَعْبُصَأَب رَأَشَأَو ، يَنْمُيَلِا هَذَخَف يَلَع يَنْمُيَلِا



الآن أكمل سو هيلع لعل لصل لوللوسرنا : - اهنع لعل لضر - ةشئاعن-ع-  
دشلتل لعل نيتك رل ل ف دزي

2. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ракатда “Ташаҳҳуд”га қўшимча қўшмас эдилар”. Абу Яъло бу ҳадисни Абу Ҳувайрис ривояти билан келтирган. Абу Ҳувайрис Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилган. Зоҳири шуки, бу Холид ибн Ҳувайрис бўлиб, у сиқадир. Ҳадиснинг бошқа риждоллари “Саҳиҳ”нинг риждолларидир. Мажмаъуз Завоид, 2/142.